

4/2022,
iyul-avgust
(№ 00060)



ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ЭВОЛЮЦИЯСИ

Хаджимуратов Абдуқаҳҳор Абдумуталович

Фарғона жамоатчилик саломатлиги тиббиёт институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти, и.ф.д. Фарғона ш. Ўзбекистон.
man.xadjimuratov@mail.ru

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss4/a15

Аннотация

Ушбу мақолада тарихий манбааларга асосланиб, Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятининг эволюцияси ўрганиб чиқилган. Бунга биноан, тадбиркорлик фаолиятининг Ўзбекистон худудида келиб чиқиши ва ривожланишида роль ўйнаган бир қатор омиллар ўрганилган. Мақоланинг илмий асосини эса, муаллиф томонидан тадбиркорлик фаолиятининг эволюцион ривожланишини бешта босқичга ажратилганлиги ташкил этади. Бунга биноан, мамлакатимиз тарихидаги тадбиркорлик фаолиятининг хар бир босқичи алоҳида ўрганилиб, уларнинг ўзига хос тарихий – иқтисодий ўрни кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, хозирги даврда Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг миллий моделини яратилиши жараёнида тадбиркорликнинг ушбу эволюцион босқичларининг ахамияти тушунирилган.

Калит сўзлар: Эволюция, босқичлар, тадбиркорлик, савдо капитали, хусусий капитал, саноат капитали, судхўрлик капитали, бозор иқтисодиёти.

Аннотация

В данной статье рассматривается эволюция предпринимательства в Узбекистане на основе исторических источников. В связи с этим изучен ряд факторов, сыгравших роль в зарождении и развитии предпринимательской деятельности на территории Узбекистана. Научная основа статьи состоит в том, что автор разделил эволюционное развитие предпринимательства на пять этапов. При этом, отдельно изучается каждый этап предпринимательской деятельности в истории нашей страны, указывается их конкретная историческая и экономическая роль. Также, объясняется важность этих эволюционных этапов предпринимательства в процессе создания национальной модели рыночной экономики в Узбекистане в настоящее время.

Ключевые слова: Эволюция, этапы, предпринимательства, торговый капитал, частный капитал, промышленный капитал, ростовщический капитал, рыночная экономика.

Abstract

This article discusses the evolution of entrepreneurship in Uzbekistan based on historical sources. In this regard, a number of factors that played a role in the emergence and development of entrepreneurial activity on the territory of Uzbekistan were studied. The scientific basis of the article is that the author divided the evolutionary development of entrepreneurship into five stages. Also, each stage of entrepreneurial activity in the history of our country is studied separately, their specific historical and economic role is indicated. Also, each stage of entrepreneurial activity in the history of our country is studied separately, their specific historical and economic role is indicated. It also explains the importance of these evolutionary stages of entrepreneurship in the process of creating a national model of a market economy in Uzbekistan at the present time.

Key words: Evolution, stages, entrepreneurship, trade capital, private capital, industrial capital, usury capital, market economy

Кириш

Ҳаммамизга маълумки, ҳозирги даврда ватанимиз Янги Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилган “Ўзбек модели”ни қурмоқдамиз. Албатта, бу ўта мухим стратегик жараёнда тадбиркорлик – ўзининг янгиликларини тўхтовсиз жорий этиш орқали, кўзланган иқтисодий тараққиётни таъминловчи етакчи кучдир. “Тадбиркорлар фаолиятини жадал ривожлантириш, жамиятимиз тараққиёти ва фаровон хаётимизнинг мустахкам таянчи, иқтисодиётимиз барқарор ўсишининг энг мухим кафолатидир”[1]. “Биз миллий иқтисодиётимизда хақиқий бозор муносабатларини жорий этиш, шу асосда мамлакатимизни тараққий эттириш учун тадбиркорларга бундан буён ҳам барча шароитларни яратиб берамиз. Нега деганда, тадбиркор – иқтисодиётнинг, ислоҳотларимизнинг асосий таянчи ва локомотивидир” [2]. “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида тадбиркорлик учун зарур шарт-шароитлар яратиш бирламчи вазифа деб белгиланади”[3].

Ҳозирги даврда мамлакатимизда белгиланган иқтисодий ислоҳотларни жадал амалга ошириш мақсадида давлатимиз бошқарув органлари томонидан тадбиркорлик фаолиятининг барча кўринишларини ҳамма соҳалар бўйича қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Албатта, бунинг самарали ишлаш механизми ишлаб чиқилган ва тобора такомиллаштириб борилмоқда. Бу чора-тадбирлар учун хукумат томонидан етарли ҳуқуқий-меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинган.

Шунга биноан, мамлакатимизда йилдан йилга тадбиркорлик мухитини яхшилаш, уларга кенг имкониятлар бериш, қўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Вахоланки, бу жараёнда қатнашиб, Марказий Осиёда фаолият олиб бораётган тадбиркор инсон иқтисодий тараққиётидаги ўтмишини хар томонлама билиб олиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу албатта, шу куннинг тадбиркорига биргина ўзининг эмас, балки ижтимоий тараққиётнинг замини бўлган зарур назарий ва амалий кўникмалар билан қуролланишига ёрдам беради.

Шундай фикрлашдан келиб чиқиб, Ўзбекистонга хос тадбиркорлик концепциясини батафсил ишлаб чиқилиши, унинг тарихий, социал-иқтисодий илдизларини ўрганишни тақозо этади. Методологик жихатдан олиб қаралганда, ўрганилаётган мавзуга бундай ёндошиш, мамлакатимиздаги тадбиркорлик эволюциясини етарлича ёритишга кўмак беради. Шунга кўра, мақолада Ўзбекистонда тадбиркорлик эволюцияси бешта босқичга бўлинган. Бинобарин, келажакда ушбу ўрганилган хар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятлари, ютуқ ва камчилклари, шунингдек таъсир этган омилларнинг сабаб ва оқибатлари чуқур ўрганилиб, инобатга олиниши, мамлакатимиз келажагидаги тадбиркорлик структураларининг стратегиясини шакллантирилишида, бир сўз билан айтганда, қандайдир аҳамият касб эта олса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Буларнинг ҳаммаси, ўрганилаётган мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Мавзуга оид адабиётлар тахлили

Танланган мавзууни ўрганишда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525 “Мамлакатимизда бизнес мухитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида"ги[4] қарорига илмий жиҳатдан асосландик. Бинобарин. бу ва бошқа хуқуқий-меърий хужжатларни ўрганиб, тахлил қилиб чиқиш натижалари, тадбиркорликни хар томонлама ривожланириш бозор иқтисодиётини қуришда зарурият эканлигини анлаган ҳолда, мамлакатимиз тарихидаги тадбиркорлик эволюциясини ўрганишга ундаиди.

Мавзу бўйича эса, дастлабки тадқиқотларимизда, Ўзбекистон тарихига оид, тадбиркорлик эволюциясини ўрганиб системалаштиридик ва бешта босқичга ажратдик.[5]. Босқичларнинг чегараларини аниқлаш ва уларнинг яхлитлигини баҳолаш мезони қилиб эса, турли даврлардаги мулкчилик муносабатлари формасининг эгалик қилиши ва бўнга мос ҳолда, у ёки бу ишлаб чиқариш усулининг амал қилишидаги ўзгаришлар тенденцияларини асос қилиб олдик. Бинобарин, дастлабки илмий хуносаларимизга асосланиб, ўтган чорак аср мобайнидаги, мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида бўлиб ўтган ўзгаришлар тенденциясини ўрганиб ва салмоқли онларини ҳисобга олган ҳолда, яъни мавзуга хозирги давр нуқтаи-назаридан қараб, илмий хуносаларимизни яна ҳам мукаммаллаштиридик десак бўлади.

Аниқлашимизга қараганда, илмий адабиётларда Ш.Д.Саитбаев (Предпринимательство в аграрной сфере производства.-СПб.: Изд-во СПБУЭФ, 1993)[6], Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятининг вижудга келиши ва ривожланишини босқичларга бўлишга ёндашиб, социализм даври миқёсида тўртта босқичга бўлган ва бу борада бошқа ишлаб чиқариш усуllibарини инобатга олмаган.

Вахоланки, бизнинг ёндошувимиз бундан кескин фарқ қилиб, илмий тадқиқотларимизда тадбиркорлик фаолиятининг "илдиз"ини Ўзбекистон социал-иқтисодий тарихининг – анча ичкарисидан изладик ва уни бозор муносабатларининг тарихий манбаларига боғлиқ деб ҳисобладик ва тадбиркорлик эволюциясини мантиқан турли ишлаб чиқариш усуllibарига тегишли бешта босқичга бўлдик. Вахоланки, масалага мантиқан ёндашилганлиги М.А.Рахматовнинг (Государственное регулирование становления и функционирования предпринимательства. Автореферат дисс.на соис.уч.ст.д.э.н. – Санкт Петербург, 1997) илмий қарашларида ўз тасдиқини топган[7.246]. Шу билан бирга муаллиф, биз учун мухим бўлган тадбиркорликнинг социализм босқичи охирларига ўз эътиборини қаратиб, бунга кўра мамлакатимиз ҳаётида тадбиркорлик элементлари бўлганлиги ва бунинг далили бўлиб, 90 – йиллар бошларида Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг мустахкам нодавлат бозорини шаклланганлигини қайд этган.

Булар билан биргаликда, шундай илмий мабалар мавжудки, уларни ўрганиш давомида, ўлкамизда тадбиркорликни келиб чиқиши ва тарихий ривожланиши масаласига таълуқли бўлган ходиса ва жараёнларни ажратиб олиш мумкин бўлади. Бу манбаалар: Бутенев, А.А.Аминов, К.С.Ибрагимов, П.А.Орлов, В.В.Заорская К.А.Александер, Н.Н.Вознесенская. Т.Абдуллаева, Вл.Лаврентьев ва бошқаларнинг илмий асарлариидир.

Булардан биринчи босқичга оид: Бутенев (Бутенев.Заводское дело в Бухарии.// Горный журнал.-Кн.Х.-ч.IV.-СПб.,1842)[8] XIX аср бошларидағи мамлакатимиз тарихида тадбиркорликнинг илк даврига талуқли бўлган саноатнинг ривожланишини кўрсатган. Иккинчи босқичга оид: А.М.Аминовнинг "Экономическое развитие Средней Азии(колониальный период) – (Т.:Госиздат,1959) [9] илмий асарида, XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида, сабиқ Туркистаннинг социал-иқтисодий ҳаётида мустамлака

сиёсатининг туб мохияти, яъни ўлка иқтисодиёти бир томонлама ривожланиб, пахта ҳом-ашё базасига айлантирилиши оқибатида капиталистик бозор муносабатлари қарор топганлиги, шунингдек хусусий тадбиркорлик структуралари шаклланганлиги ёритиб берилган. Шунингдек, К.С.Ибрагимов (Так рождалось отрасль (из истории становления хлопкоочистительной промышленности Узбекистана. –Т.: Мехнат, 1989)[10] дастлабки пахта тозалаш корхоналарининг шаклланиши хақида сўз юритади.

Шулар билан бир қаторда, Орлов П.А.(Указатель фабрик и заводов окраин России: Царства. Полского, Кавказа, Сибири и Средно – Азиатских владений. – Материалы для фабрично – заводской статистики.- СПб.1895)[11]нинг ва В.В.Заорская, К.А. Александрлар хаммуаллифлигидаги (“Промышленное заведение Туркестанского Края”.-Петроград,1915)[12] асарларида, мустамлака даврида Ўлкага саноатни кириб келиши ва унга мос равишда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлиги статистик рақамларда ифодаланган.

Шунингдек, Вл.Лаврентьевнинг “Капитализм в Туркестане”(Л.1930)[16] номли асарида кўрсатилган манбалардан кескин фарқ қилиб, Ўлкада мустамлака шароитида капитализмнинг шаклланиши ва қарор топиши жараёни ўрганилиб, асосан хусусий тадбиркорлик структураларининг шаклланиши ва уларни банк капиталига узвий боғлиқлиги кўрсатилиши билан рус капиталига баҳо берган,

Булар қаторида, тадбиркорликнинг эволюцион босқичларини аниқлашда, мамлакатимизда социалистик тузум иқтисодиёти, хусusan НЭП даври иқтисодиётига оид бўлган керакли манбаларни ҳам ўрганиб чиқишга тўғри келди. Вознесенская Н.Н. (Иностранные инвестиции: Россия и мировой опыт. – М.: “Юрид.Фирма “Контракт”, “ИНФРА:М”. 2001)[13] социализм даврида давлат тадбиркорлиги ва Абдуллаева Т. (Промышленность Узбекистана. Особенности развития в период НЕПа // Экономика и статистика,-1993.№2.-60,61 бетлар) [14] НЭП давридаги хусусий тадбиркорлик масалаларини ёритганлар.

Бу тарихий манбаалар ва илмий қарашларга асосланиб, мақолада мамлакатимизнинг ўтган даврларида оид бўлган тадбиркорлик фаолиятининг шаклланиши, ривожланиши ва унга таъсир этган бир қатор жарёнларни ўрганиб системалаштирилди ва хар бир давр билан боғлиқ бўлган омилларнинг сабаб-оқибатлари эътиборга олинниб илмий хулоса қилинди.

Тадқиқот методологияси

Тадбиркорлик эволюциясини манбааларини ўрганишимизда тарихий ва мантиқий усууллар бирлиги, илмий абстракция, тизимли таҳлил, статистик гурухлаш ва таққослаш, анализ ва синтез каби илмий - тадқиқот усуулларидан фойдаланилди. Булар: - Тарихий ва мантиқий усууллар бирлигига кўра, мамлакатимизда тадбиркорликни келиб чиқиши ва ривожланишига тарихий жараён сифатида қаралиб, турли босқичлардаги тадбиркорлик структураларининг шаклланиши, бозор муносабатларини қарор топишидаги ички зарурӣ қонуният деб ўргандик; - илмий абстракция усулига кўра, биз таҳлил пайтида бутун бир капиталистик, социалистик ва бошқа ишлаб чиқариш муносабатлари ичидан бўлиб ўтган ходиса ва воқеаларнинг иккинчи даражалисини четлаштириб, эътиборни фақат методологик жиҳатдан аниқлаб олинган, ўрганилаётган мавзуга, яъни тадбиркорлик жараёнига оид бўлган факт ва рақамларга қаратдик; - тизимли таҳлил усулига кўра, тадбиркорлик жараёнини

ўрганишни ишлаб чиқариш усуllibарига кўра босқичларга бўлиб чиқиб ўргандик; - статистик гурухлаш усули бўйича, ҳозирги Ўзбекистон худуди бўйлаб қурилган ва амал қилган саноат корхоналарини аниқлаб, уларни соҳалари ва тадбиркорлик фаолиятининг структуралари бўйича гурухларга бўлиб чиқиб хулоса қилдик; - анализ ва синтез усулига кўра эса, тадбиркорлик хар бир босқичда аввало қайси соҳаларда амал қилганинг ажратиб олдик ва хар бир соҳа алоҳида ўрганилди. Бунинг натижасида тадбиркорликнинг тарихий тенденцияси аниқланди - Ўзбекистон ўзининг маҳсус тадбиркорлик эволюциясига эга ва хулоса қилинди, тадбиркорлик мустақиллик йилларида қайтадан шакилланган ва мамлакатимизда қарор топиб, ҳозирги кунда жадал ривожланмоқда.

Тахлил ва натижалар.

Тадбиркорлик фаолиятининг вужудга келишида, минтақанинг иқтисодий географиясида ўз ифодасини топган бозор муносабатларининг эволюцияси мухим роль ўйнаган. Бошқача қилиб айтганда, бунга минтақада ишлаб чиқариш кучларининг жойлашуви билан тарихан ўзаро, узвий боғлиқ ҳолдаги, турли даврларда шаклланиб келган иқтисодий географияси асос бўлган. Асосий манба бўлиб "Осиё ишлаб чиқариш усули", яъни дехқончиликда моддий бойлик яратишда ерларни суғоришга бевосита боғлиқлиги мухим роль ўйнаган. Бинобарин, бу шарт - бозор муносабатларининг ривожланишида ва тадбиркорлик фаолиятининг "келиб чиқиши"да ва турли даврларда иқтисодий манбааларнинг заминларидан бири бўлиб ҳизмат қилган. Бу албатта, катта аҳамиятга моликдир. Бошқача сўзлар билан айтганда, айнан шу шароитда, ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши, ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши билан, ўзаро равишда домий таъсирда бўлиб келган. Айнан шу заминда, тадбиркорлик "куртак" формасидан пишиб етилган фаолият кўриниши даражасигача етган ва социал-иқтисодий тараққиётни таъминловчи етакчи кучига айланган.

Бинобарин, Ўзбекистон иқтисодиётида ҳозирги даврдаги тадбиркорлик фаолиятининг қарор топиши - бу узоқ даврлардан буён давом этиб келган социал-иқтисодий муносабатлар ривожланиши эволюциясининг натижасидир. Бу жараён асрлар мобайнидаги тадбиркорлик эволюциясининг ривожланишида бир нечта ишлаб чиқариш усуllibарини босиб ўтган.

Аниқлашимизга кўра, илмий адабиётларда Ўзбекистонда, шу билан бир қаторда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида ҳам, тадбиркорлик фаолиятининг вижудга келиши ва ривожланишини босқичларга бўлиш масаласида ягона ёндошувни учратамиз. Бу ёндошувга кўра, социализм даврида комсомол йўналиши бўйича, илмий - техника марказларининг яратилиши, тадбиркорлик фаолияти вижудга келишининг бошланғич моменти, деб талқин қилинган ва шунга асосланиб социализм даври миқёсида тўртта босқичга бўлинган[6].

Бундай хулосадан фарқли равишда, биз бу масалага бошқачароқ ёндошдик. Бинобарин, тадқиқотларимизда тадбиркорлик фаолиятининг "илдиз"ини, мамлакатимиз социал-иқтисодий ривожланиш тарихининг анча ичкарисидан изладик ва уни бозор муносабатларининг тарихий манбаларига боғлиқ деб ҳисоблаймиз. Бизнинг илмий сарҳисобимизга кўра, бозор муносабатлари ва тадбиркорлик эволюциясини, мантиқан бешта босқичга бўлиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунда, босқичларнинг чегараларини аниқлаш ва уларнинг яхлитлигини баҳолаш мезони бўлган, турли даврлардаги мулкчилик муносабатлари формасининг эгалик

қилиши ва бунга мос ҳолда, у ёки бу ишлаб чиқариш усулининг амал қилишидаги ўзгаришлар тенденцияси асос қилиб олинди.

Шунга биноан, **Ўзбекистон тадбиркорлик эволюциясини қўйидаги босқичларга ажратиш мумкин:**

Биринчи босқич - бу XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган давр, айнан илк давр – ўзининг тадбиркорликни асос-фундаментини яратилиши билан ажралиб турари ва ундаги иқтисодий муносабатларнинг тарқоқлиги билан ҳарактерланади.

Иккинчи босқич – бу давр, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларидан иборат бўлган, Россия империясининг Туркистонни босиб олиб мустамлака қилган даврдан иборат бўлиб, классик капитализм давридаги бозор муносабатларининг ва ҳусусий тадбиркорликни турли кўринишларида кенг тарқалганлиги билан ҳарактерланади.

Учинчи босқич – бу “Янги иқтисодий сиёсат”(НЭП)нинг унчалик узоқ бўлмаган даври, хўжалик юритишни шарт – шароитлари, йўналишлари ўзгариб, асосан-имкониятга кўра, уддабурон кишиларнинг тадбиркорлик билан, шуғулланишларига кенг йўл очиб берилиши билан ифодаланади.

Тўртинчи босқич – мамлакатимизда социализм тузимида НЭПдан сўнг, ўтган асрнинг 80-йиллари охиригача бўлган вақтни ўз ичига олган даврдан иборат. Бу давр – тадбиркорликга, айнан фаолият кўринишида рухсат берилмаган ва шунга биноан, ҳусусий тадбиркорликни расман узоқ вақт амал қилмаганлиги билан ҳарактерланади. Шунга қарамай, давлат тадбиркорлиги ўз ўрнини топган.

Оҳирги бешинчи босқич – бу ўтган асрнинг 80-йиллари охиридан бошланиб, давом этиб келаётган ҳозирги даврдир. Бу давр – бошқа даврлардан Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларидағи кечирган социал- иқтисодий ривожланиш ҳаётини ўз ичига олиб, тадбиркорлик фаолиятининг мустақиллик туфайли қайтадан шаклланиши ва ривожланишининг, янгича – жаҳондаги илғор мамлакатлар тажрибасига таяниб, айнан бозор иқтисодиётининг миллий “ўзбек модели”ни яратишида жўшқинлик, цивилизацияга интилиш жараёни билан ҳарактерланади.

Бинобарин, бунга мувофиқ ҳар бир босқич моҳиятига тўхтаб ўтамиз.

Биринчи босқич – XIX асрнинг ўрталариғача бўлган давр, кўпроқ тадбиркорликни тарихий, иқтисодий шарт – шароитлари билан қоришиб кетган. Бу дастлабки босқичнинг ҳусусияти шундаки - тадбиркорликнинг “илдиз”и шу дастлабки босқичда ётади.

Бундай фикрлашдан келиб чиқиб, тадбиркорликни келиб чиқиши(генезиси)нинг дастлабки илк нуқтаси-ўзаги товар – пул муносабатларининг амал қилишига биноан, шу даврдан бошланган деб ҳисоблаймиз. Бундай умумий тушунчалар - биз кўриб чиқсан тадбиркорлик фаолиятининг тарихан шаклланишига умумий шарт-шароитлар яратиб берган “Осиё ишлаб чиқариш усули”, “Буюк ипак йўли” ва ягона Ўрта Осиё бозори шаклланишининг социал – иқтисодий ҳаётидан келиб чиқади. Айнан, бу шарт-шароитлар, бир бутун Ўрта Осиё минтақасидаги бозор иқтисодий муносабатлари ва тадбиркорлик фаолияти эволюцион ривожланишининг, айнан “инкубатори”- муҳити бўлган деб ҳисоблаймиз.

Тадбиркорликни келиб чиқишига, унинг тарихий социал-иқтисодий замини туртки берган. Бинобарин, XIV-XV асрларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди, Марказий Осиёнинг анча ривожланган таркибий қисми бўлган. Бу давр, Шарқнинг иқтисодий

ҳаёти гуллаб яшнаган, улуғ саркарда хукмронлиги, Темурийлар Ренессанси – Иккинчи Ўйғониш даври билан боғлиқ. Ўша даврда Темурийлар марказлашган құдратли давлат барпо этиб, үз хукмдорлик ҳудудини анча кенгайтирган ва Марказий Осиёдан ташқарига чиққан. Бу вазиятда, ҳукумат томонидан мамлакатнинг социал-иктисодий ривожланишида үддабуронлик, ҳар томонлама тақдирланған ва бозор муносабатларини ривожланишига кенг йўл очиб берилган. XVI-XVIII асрларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди миқёсида учта давлат бўлган: Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари. Айнан шу даврда, Россия билан савдо ва дипломатик муносабатлар бошланган. Бу даврларда савдо-саноат ва маданият марказлари Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, ва Марғилон шахарлари бўлган ва улар Марказий Осиёдан анча узоқ мамлакатларга ҳам машҳур бўлғанлар. Шунга кўра, пахта толасидан матолар, асосан Бухоро ва Қўқонда, шойи матолар эса, Марғилон ва Наманганда ишлаб чиқарилган. Метални қайта ишлаш асосан Наманганда жойлашган бўлиб, чўян буюмлар эса, Бухорода ишлаб чиқарилган. Масалан, маълумотларга кўра 1842-йилда, Бухорода 6 та кичик чўян қўйиш заводлари бўлган. Шу билан биргаликда, бу ерда, қишлоқ хўжалиги учун меҳнат қуроллари, ишлаб чиқариш воситалари ва артиллерияга ядро ўқи тайёрланган. Бунинг хом ашёси Россиядан келтирилган[8]. Шунингдек, хўжаликларда кулолчилик ва сопол маҳсулотларини ишлаб чиқариш кенг тарқалган.

Айтиб ўтиш лозимки, фақат XIX асрнинг 20-йилларига келиб, тўқимачилик ишлаб чиқариш бўйича мануфактура формасининг дастлабки куртаклари шаклана бошлаган. Аммо, бу вақтларда саноат ишлаб чиқаришида ҳунарманд - косибчиликни цех кўринишидаги шакллари устунлик қилган ва “ўрта асрлардан” қолган бу тузилма, меҳнат тақсимотига асосланган мануфактурани вужудга келишига вақтинча асосий тўсиқ бўлиб турган. Ҳунармандчilik ишлаб чиқариши цех кўринишидаги бўлиб, бир нечта ҳунармандларни бирлаштирган. Булар асосан катта шахарларда йиғилган эди.

Ўрганилган манбаларга кўра, шу даврдан бошлаб, Ўзбекистон ҳудудида астасекинлик билан майда, маҳаллий бозорлар сонининг кўпайиши тенденциясини кузатиш мумкин. Бунда, алоҳида олинган районларнинг бозор талабларига мос маҳсулотларни ишлаб чиқаришга иҳтисослашувига, меҳнат тақсимоти ва товар-пул муносабатларининг етарли даражада ривожланмаганлиги имконият бермаган.

Шарқ мамлакатларида тадбиркорлик фаолиятининг(генезиси) вижудга келиши жараёнида савдо-сутҳурлик капиталининг роли алоҳида ўрин эгаллаб келган. Бинобарин, Ўзбекистоннинг социал-иктисодий ривожланиши тарихига назар ташласак, бозор муносабатлари эволюцияси манбаи, шуни кўрсатадики, тадбиркорликни пайдо бўлиши ва уни ривожланиб боришига савдо-судхўрлик капитали таъсир этиб, ўзига ҳос роль ўйнаган.

Савдо капиталининг тарихий – иқтисодий ривожланиши, Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб ўтган ва уни асрлар давомида қўшни Шарқ давлатлари ва узоқ Европа мамлакатлари билан боғлаган, шундай аталмиш “Буюк Ипак Йўли” билан узвий равишда боғлиқ.

“Буюк Ипак Йўли”, асрлар давомида жуда кўплаб карvon йўлларини ўз таркибиغا олиб, Хитойни Осиё ва Европа мамлакатлари билан боғлаган. Тадқиқотларда кўрсатилишича, Хитойнинг бошқа мамлакатлар билан ипак матолар орқали савдо қилиши эрамиздан аввалги V асрларда бошланганлиги тахмин қилинади. Бунда Хитойнинг Ўрта Осиё билан савдо ва маъданий алоқалари, эрамиздан аввалги II

асрнинг 50-40 йилларида ҳусусан айтарли даражада кучайган. Хитойга Фарғонанинг ўша даврларда машҳур бўлган “учар” отлари ва уларга тўйимли емлар, ҳамда пахта, узум етказиб берилган. Ўз навбатида Хитойдан Фарғона, Сўғд ва Бақтрияга ипакчилик кириб келган. Хитойлик савдогарлар кейинчалик Ўрта Осиёга шойи, олтин, чинни ва бошқа товарлар келтирганлар, ўз навбатида Ўрта Осиё вилоятларидан Хитойга шиша буюмлари ва қимматбаҳо тақинчоқлар юборилган.

Шуларга асосланиб айтиш лозимки, үддабуронлик – Ўзбекистон ҳалқлари минталитетидаги бозор муносабатлар тизимининг ўзига ҳос белгисидир. Ҳуллас, **“Буюк Ипак Йўли” Шарқнинг социал-иқтисодий ривожланишида маҳсус роль ўйнаган ва бу йўл минтақада йирик савдо капиталини ривожланишига зарур бўлган барқарор муҳитни яратиб берган.**

Бинобарин, “Буюк Ипак Йўли”, “Осиё ишлаб чиқариш усули”(дехқончиликда моддий бойлик яратишда ерларни суғоришга бевосита боғлиқлиги) билан бир қаторда, минтақамизда капитал жамғарилишида, айнан шу сабабли, бозор муносабатларининг ривожланишида ва тадбиркорлик фаолиятининг “келиб чиқиши”да иқтисодий манбаларнинг заминлари бўлиб ҳизмат қилган. Шу билан биргаликда, айтиб ўтиш лозимки, яъни Ўзбекистон ҳалқларининг олдинги авлодлари – савдогарлар ва судхўрлар, ўз даврининг кичик, майда бизнесменлари бўлишган. Фақат, бозор муносабатларининг эволюцион ривожланиши билан, ҳусусан капитализм даврида, уларнинг кейинги авлодлари турли йўналишлар бўйича тадбиркорларга айланганлар.

Ўз навбатида, бозор муносабатларининг ривожлиниши ва тадбиркорликни пайдо бўлишида судхўрлик капитали ҳам роль ўйнаган. Мусулмон динида судхўрлик таъқиқланган бўлишига қарамай, асрлар давомида ўзбек ҳалқининг социал-иқтисодий ҳаётида судхўрлик ўрин эгаллаб келган, яъни иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб келган. Христианлика ҳам айнан шундай одат бўлган. Аксинча, ғарбнинг бошқа эътиқоддаги мамлакатларида бундай таъқиқнинг йўқлиги, бу соҳадаги үддабуронликни кучайиб боришига шароит яратиб берган.

Бинобарин, бу кўриб ўтилган давр, ҳусусан XIX асрнинг биринчи ярмида, Ўрта Осиёда бир қанча иқтисодий ўсишлар(айтиб ўтганимиздек) кузатилган бўлиб, бу қисман ўсиш – кейинчалик тадбиркорликни, бозор муносабатларини кенгайиши туфайли жадал суръатлар билан ривожланишга олиб келган ва кейинги босқичлар учун асос бўлган.

Иккинчи босқич - Тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг, айнан Собиқ Туркистоннинг мустамлака даврига тўғри келади. XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёни Россияга қўшиб олиниши билан Туркистон иқтисодиётини ривожланишига имконият яратилган. Мустамлакачилик сиёсатидан келиб чиқиб, бозор формасидаги ҳўжаликларнинг анча илғорлари ва ижтимоий муносабатлар кенг тарқалган.

Шубҳасиз, ўлка иқтисодиётида капиталистик ишлаб чиқаришга йўналтирилган жиддий ўзгаришлар рўй берган. Шунга биноан, ўлкада пахтани қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш кучлари ривожланган. Бу, яққол мустамлака ҳарактерига эга бўлган, унинг иқтисодий манфаатларига бўйсунган, ўлканинг ишлаб чиқариш кучларини бир томонлама ривожланиши эди. Шунинг учун, мустамлака қишлоқ ҳўжалигини ҳом-ашёсини дастлабки қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган тармоқларгина ривожланган. Шу сабабли, Ўрта Осиё бозори – пахта маҳсулотларини

ишлаб чиқарувчиси, яъни ҳом-ашё базасига айланиб, аста секинлик билан жаҳон бозорига кириб борган.

Бундан ўз-ўзидан равшанки, Ўрта Осиёning Россияга қўшилиши, бозор муносабатлари ва тадбиркорликни жадал суръатда ривожланишига турткি бўлган. Ҳақиқатда, мустамлакачилик – русларнинг шахсий ҳиссиёти, уддабуронлиги ва ҳўжалик фаолиятини ташкил қилишида билим, тажрибаларни кенг ривожлантирмасдан мумкин бўлмаган. Шунинг учун, уларнинг мақсадидан келиб чиқиб, Туркистон иқтисодиёти ташқарига асосан пахта ҳом-ашёси маҳсулотини чиқаришга мўлжалланган эди. Шунга кўра, ўлканинг ички эҳтиёжини қондирувчи тармоқларнинг ўсиши кейинги режада турган.

Бинобарин, қўшилишнинг ижобий томонларидан бири - темир йўлнинг қурилиши, ўлкада бозор муносабатларини ва тадбиркорликни ривожланишини кучайтиришга қўшимча имконият яратиб берган. XIX асрнинг оҳирларида ўлкада Темир йўлнинг асосий Тошкент-Москва йўналиши қурилган ва бу билан давлат шуғулланган. **1908 - йилдан бошлаб эса, Темир йўл қурилишида янги давр бошланиб, унда ҳусусий тадбиркорлик иштирок этган.** Бу тадбирда, 1908-йилда ташкил этилган, бу соҳада тарихда дастлабки “Қўқон - Наманган темир йўллар жамияти” ва “Бухоро темир йўллар жамияти”, тадбиркорлик фирмалари актив қатнашганлар. Темир йўлнинг қурилиши, Туркистоннинг турли жойларида ва четга савдо юкларини ташишда муаммоларни бартараф этиб, тадбиркорликни ривожланишига салмоқли даражада қуладайлик яратган.

Тадбиркорлик эволюциясининг иккинчи босқичида, юқоридагилар билан бир қаторда, махаллий тадбиркорлар фаолиятининг, салмоқли ролини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим. Масалан, Ўрта Осиёда биринчи пахта тозалаш заводи 1874-йилда Тошкентда тадбиркор В.П.Кузнецов томонидан қурилган. 1880-йилда эса, махаллий тадбиркор Олимжон ҳўжа Мұхаммаджонов Андижон шаҳрида пахта заводи қурган. 1881-йилда эса, саноатчи Л.Югович – Каттақўғонда бундай заводни қурган[10]. Фарғона вилоятида биринчи саноат корхонаси 1886-йилда Марғилон шаҳрининг Горчаково станциясида вижудга келиб, пахта заводнинг қуввати 25 от кучига тенг бўлиб, 6 джинли пар двигатели билан ишлаган.

Шу билан биргаликда, махаллий аҳолининг бойлари ичидан ҳам катта фирмаларни эгаллаган тадбиркорлар пайдо бўлган. Булар: Фарғона вилоятида – Довудбоев, Ҳўжаев, Бузрукхўжа, ака-ука Вадъяевлар, Пателяховлар, Миркомил Мўминбоевлар; Самарқанд обlastida – Фузаилов, Қаландаров, Ҳакимбоевлар; Тошкент шаҳрида – Юсуф Давидов, Абдуллаев, Орифхўжаев ва ака-ука Якушевлар. Фақат “Ака-ука Вадъяевлар уюшмаси” ва “Андреевлар уюшма” ларининг шериклиги асосида 30 та пахта заводлари ва бешта ёғ – мой заводлари, Пателяховга – 10, Миркомил Мўминбоевга – 4 заводлар тегишли бўлган. Уларнинг 27 та ёғ-мой заводларидан 5 таси маҳаллий тадбиркорларга тегишли бўлган[11].

Тадбиркорлик фирмалари асосан пахта тозалаш саноатида пахта толасини ишлаб чиқариш билан шуғулланган ва уларнинг таъсирида халқ ҳўжалигини бошқа тармоқларида ҳам, улар ўз фаолиятини юритганлар. Ўзининг иқтисодий ҳарактерига кўра, ўша вақтлардаги анча катта тадбиркорлик фирмаларини (ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди миқёсида ажратиб олинган) учта асосий гурӯҳга: “Соф” пахта фирмалари, савдо фирмалари, Тўқимачилик саноати фирмаларига ажратиш мумкин.

Шу билан бирга, аграп соҳада пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиширадиган тадбиркорлик фирмаларини ҳам бўлган. Масалан, “Эски Тошкент пай уюшмаси” ва “Ўрта Осиё савдо – саноат уюшма”лари қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ва уларни қайта ишлаганлар.

Собиқ Туркистонда капиталистик бозор муносабатларини хар томонлама кенгайиб боришида, шунингдек кўриб ўтилган қишлоқ ҳўжалиги, савдо, саноат, молия ва бошқа соҳалардаги тадбиркорлик структураларининг фаолиятларини таминлашда **биржка тадбиркорлигининг** шаклланиши мухим ахамиятга эга бўлган. Туркистонда дастлабки савдо-саноат биржаси 1906 йилда Қўкон шахрида вужудга келган. Бу Биржани яратишнинг ташаббускори булиб Россиянинг савдо-саноат корхоналари, Акционерлик жамиятларидан, айнан: “Л.Кноп”, “Зигель и Рейстаген”, “Г.В.Дюршмидт”, “Луи-Зальм”, “Савва Морозов, сын и К” ва бошқа Савдо уйларидир.

Қўкон Биржаси, Москва ва Петербургдаги биржалар билан бевосита боғлиқ равишда фаолият кўрсатган [15]. Умуман олганда, Қўкон Биржаси Россия капитали хукмронлигига Туркистон Ўлкасида тадбиркорлик фаолиятларини қандайдир йўлга солувчиси – детонатори бўлган. Ушбу биржа 1917 йилда кўплаб савдо структуралари қаторида тўхтатилган.

Шундай қилиб, XX аср бошларидаги давр, тадбиркорлик ҳаракатларининг жадал суратда ўсишидан дарак беради. Бу Ўрта Осиёда саноатни ўсишига олиб келган ва уни ҳарактерланишини қўйидаги жадвалда кўриш мумкин.

1-жадвал

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб, собиқ Туркистон тармоқларидағи саноатнинг ривожланиши *

Вилоятлар	Ташкил этилган вақти				
	1900-йилгача	1900 йилдан -1910 йилгача	1910-йилдан 1914 йилгача	Аниқланмаган	Жами
Фарғона	67	105	112	25	309
Сирдарё	50	80	47	6	183
Самарқанд	54	38	20	5	117
Ҳаммаси	171	223	179	36	609

* Жадвал муаллиф томонидан кўрсатилган манбаага асосан тузилган.[12].

Кўриниб турибдики, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди миқёсида, XIX асрнинг оҳири – XX асрнинг бошларида, саноати барқарор ривожланган учта вилоят бўлган: Фарғона, Сирдарё ва Самарқанд. Ўша даврларда тадбиркорлик ҳаракати туфайли, асосан саноат соҳасида улкан янгиликлар амалга оширилган. Бу минтақада илк бор янги заводлар қурилиб, уларнинг сони кўпайиб бориши тенденциясини кузатиш мумкин.

Шунга мувофиқ, агар 1900-йилгача 171 та корхона қурилган бўлса, кейинги 10 йилда - 223 та ва охирги тўрт йилда эса, -179 та корхона қурилиб, ишга туширилган. 1914-йилга келиб, Ўзбекистон тарихида 609 та завод фаолият кўрсатган. Буларнинг: 220 таси пахта-тозалаш, 27 таси ёғ-мой ва 12 таси совун заводлари бўлган. Шулар билан бирга 58 та ун заводи, 22 та ғишт, 13 та спирт заводлари фаолият кўрсатган. Бу заводларда, ўша вилоятлар саноатининг 80 % дан ортиқроқ ялпи маҳсулоти яратилган.

Юқоридагилардан англаш мүмкінки, сабық Туркистан ҳудудида, тадбиркорлик фаолиятларининг ишлаб чиқариш, савдо ва молия йўналишлари амал қилган. Тармоқлар бўйича эса, ҳусусан пахта - тозалаш ва ёғ-мой саноатлари эътиборга молик.

Туркистондаги бу тармоқларнинг биринчи жаҳон уруши арафаси йилларидағи ҳарактерли белгиси, шундай интенсив равишда, акционерлашуви бўлиб, банк капиталини, нафақат тайёрлов операцияларига, балки бевосита ишлаб чиқаришга ҳам кириб бориши тенденциясини кузатиш мүмкин. Бинобарин, мазмунан олиб қаралганда, молия-саноат гурухлари амал қилганлигини билдиради.

Булардан ташқари, юқорида кўриб ўтилган тадбиркорлик фирмаларининг фаолият турлари бўйича, кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Тадбиркорлик манбалари - якка, ҳусусий, коллектив ва давлат тадбиркорлиги фаолиятларининг мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Бу ерда: якка тадбиркорлик - савдода, ҳунармандчилик ва косибчилик кўринишида фаолият кўрсатган. Ҳусусий – майда ер эгаларининг деҳқончиликда, чорвачилиқда ва цехларга бирлашган тарзда, мануфактура ва қурилиш, шунингдек ирригация қурилиши, ерларни суғориш, завод қурилиши ва пудрат соҳаларида бўлган. Коллектив тадбиркорлик эса, турли уюшмалар ва акционерлик жамиятлари шаклида - ишлаб чиқариш, савдо, темир йўл қурилиши ва молия соҳаларида амал қилган. Шунингдек ирригация соҳасидаги, акционерлик жамиятининг фаолият кўринишини ҳам эслаш мүмкин. Бунда, ҳусусий капитал, ирригация қурилишида ижара ва концессия кўринишида бўлган.

Булар билан бир қаторда, кейинги йилларда, шундай тенденцияни кузатиш мүмкінки, тадбиркорлик фирмалари фаолиятининг ривожланишига банк капиталининг таъсири кучайиб борган. Бинобарин, кўплаб йирик тадбиркорлик фирмаларининг деярли ярим акцияси банкларга тегишли бўлган.

Шу билан биргалиқда, тўсиқлардан яна бири Туркистонда, ер – сув муносабатларининг ҳуқуқан ҳал қилинмаганлигидир, яъни "Сувга оид қонун"ни қабул қилинмай қолиб кетганлиги, қишлоқ ҳўжалигига, ҳусусий ирригация тадбиркорлик фаолиятини актив равишда юритишга имконият бермаган.

Шунингдек, тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш фақат темир йўл қурилишида бўлган. Бунда, темир йўлнинг қурилиши давлат мафаатларидан келиб чиқиб, ундаги юқорида, қайд этилган фирмаларининг очиқ турдаги акцияларини чиқарилиши давлат томонидан кафолатланган. Шунинг билан бир қаторда, пахтачилик ривожланиши билан боғлик, давлат манфаатларига мос бўлган, айрим акцияларга ҳам давлат аралашган. Булардан ташқари ўша давларга ҳарактерли бўлган (бизнинг номлашимиз бўйича) – "завод тадбиркорлиги"нинг кенг тарқалганлигидир. Айнан, тадбиркорликни бундай кўриниши, бошқа йўналишлардаги тадбиркорлик фаолиятларига ижобий тус берган. Аниқроғи, бу ишлаб чиқариш тадбиркорлигининг бағрида, навбатдаги савдо, воситачилик, молия тадбиркорликлари ривожланган, ҳатто бу имкониятда судхўрлик ҳам авж олган.

Бинобарин, судхўрлик муносабатлари бу даврда тарихий из қолдирган. Бу жараёнда, судхўрлик сабық Туркистонни Россия Империяси томонидан мустамлакага айлантирилиши, капиталистик муносабатлар тизимида, мустамлака режим таъсиридан келиб чиқсан. Аниқроғи, бу муносабатлар ерга бўлган ҳусусий мулкнинг ўрнатилиши орқали авж олган.

Тадбиркорлик эволюциясида, 1917- йилда мамлакатимизда Социалистик революциянинг ғалаба қозониши билан, иқтисодий муносабатларда туб ўзгаришлар рўй берган. Халқ ҳўжалиги Олий Советининг таъсис этилиши билан, Совет ҳокимияти ўрнатилиб, саноат тармоқларини миллийлаштириш бошланган. Шунга биноан, 1918-йил 28-февралдан Туркистон Совнаркоми пахтанинг, шунга мувофиқ 5-мартда пахта тозалаш ва ёғ-мой саноатларини мусодара(конфискация) қилиш тўғрисида қарор(декрет) чиқарди. Бу қарорга кўра, аста-секинлик билан тадбиркорлик – эски, ҳўжалик юритишнинг типи ва синф сифатида тугатилган.

Шунга қарамасдан, вазиятдан келиб чиқиб, янги Совет давлатининг иқтисодиётини тиклаш мақсадида “Янги иқтисодий сиёсат”(НЭП) мамлакатда қўлланилган. Бу билан тадбиркорлик фаолияти қайта жонланган. Шу вақтдан бошлаб, тадбиркорлик фаолиятининг учинчи даври бошланган.

Учинчи босқич – бу “Янги иқтисодий сиёсат”(НЭП)нинг унчалик узоқ бўлмаган даври, баъзи ижобий ҳусусиятлар билан ҳарактерланади ва ҳўжалик юритишнинг шарт – шароитлари, йўналишлари ўзгариб, асосан - имкониятга кўра, уддабурон кишиларнинг тадбиркорлик билан, шуғулланишларига кенг йўл очиб берилиши билан ифодаланади. Бу “Сиёсат” даврида тадбиркорлик фаолиятидан янги мамлакат иқтисодиётини тиклаш учун фойдаланилган.

Бинобарин, янги иқтисодиёт концепциясида, тадбиркорлик фаолиятини қайта шакллантириш масаласи, айнан зарурият, эҳтиёж сифатида қаралган ва бу тадбир капитализм олдида чекиниш бўлган. Бу босқичда тадбиркорлик фаолиятини ривожланишини, дерли ҳамма йўналишларида сезиш мумкин. Ваҳоланки, тадбиркорликни ҳамма вазифалари бўйича давлатни ўзи шуғулланган. Бунда гап, биринчи навбатда концессия ҳақида бормоқда. Бу билан бир қаторда – ижара, кооперация, акционерлик жамиятлари, қўшма корхоналар, командит уюшмалари ва бошқалар фаолият кўрсатган.

Илмий манбаларга назар соладиган бўлсак, чет эл капиталининг Совет Иттилоига кириб келиши 1922-1927 йилларда асосан концессия формасида – соф ва қўшма концессия кўринишида бўлган. Соф концессия капитали фақат чет эл тадбиркорларига тегишли бўлган. Қўшма концессиялар эса, совет ва чет эл қатнашчиларига таълукли бўлиб, бунга биноан концессиялар бошқарилган ва олинган фойда келишувга мос холда киритилган капиталнинг улушига қараб тақсимланган.

Бинобарин, мамлакатда бўлиб ўтган гражданлар уруши таъсир қилишига қарамасдан, 1920 йил 23 августда СССР Совнаркоми “Концессиянинг иқтисодий ва хуқуқий умумий шартлари тўғрисида”ги қарорни қабул қилган. Бу қарор билан концессия кўринишидаги чет эл капиталларини бошқаришнинг хуқуқий механизми яратилган. 1927 йилнинг охирларига келиб концессиялар сони 69 тага етган, шундан 53 таси соф ва 16 таси қўшма концессиялар фаолият кўрсатганлар.

Бу амал қилган чет эл концессияларида, биринчи бўлиб Германия - 16 та, АҚШ – 9 та концессия билан қатнашган. Концессияларнинг умумий нисбатида: Англия – 7 %ни, Япония – 7%ни, Польша ва Австрия – 5%дан, Норвегия – 4%ни, Финландия ва Швеция – 3%дан ташкил этган. Тармоқлар бўйича олиб қаралганда, концессиялар асосан қайта ишлаш саноатида – 24 та, қазиб оловчи саноатда – 14 та, қишлоқ ҳўжалиги ва балиқчиликда – 7та, савдода – 7та бўлган.[13.256].

Шу билан бирга, 1927 йил октябрида Совет Иттифоқи ва Персия ўртасида Рус – Персия қўшма корхонаси балиқчилик соҳаси бўйича тузилган ва фаолият кўрсатган.

Бу даврда, шунингдек Ўзбекистонда, майда товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятини кўздан қочирмаслик лозим. Республикада ўша даврда ҳунармандчилик кенг ривожланган бўлиб, бунда 45 % ортиқ ҳўжаликлар шуғулланган ва 50 мингдан кўпроқ ҳунармандчилик цеҳларида 110 мингга яқин киши ишлаган.

“Янги иқтисодий сиёsat” туфайли, кичик саноатларда, бандлик кўпайиб, майда товар ишлаб чиқариш ривожланган. Ўзбекистонда бу, тез суръатларда борган. Масалан, агар, 1925-1929- йилларда Республикада давлатнинг ялпи саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 105,8 млн. рублдан 305,2 млн. рублга, яъни 3 баробарга ўсан бўлса, ҳунармандчилик саноати ишлаб чиқаришида бу ўсиш кўрсаткичи - катта капитал маблағисиз, давлат кўрсаткичига нисбатан 6,5 баробарга, косибчилик кооперациясида эса, деярли 12 баробарга ўсан.

Шунингдек, 1929-йилга келиб, Фарғона округида 37 мингга яқин ишчи ва ҳунармандларнинг майда саноат ишлаб чиқариши бўлган. Шундан: 22 мингтаси шаҳарларда ва 15 мингтаси қишлоқларда фаолият кўрсатган бўлиб, шунга мос ҳолда: Андижон районида – 26,3; 13, 0; 13,3 минг, Тошкент шаҳрида – 17, 0; 13,0; 4,0 минг, Хоразмда 11,7; 3,0; 8, 7, Бухорода – 11,2; 4,1; 7,1, Сурхондарё округида – 6,5 ; 0,4; 6,1 минг киши ишлаган[14]. Бу тенденция мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг оиласи кўринишида сақланиб келинмоқда.

Кўриниб турибдики, мулкчиликнинг турли шаклларини амал қилиши тадбиркорликни ривожланишига кенг йўл очиб берган. Бунда шуниси ҳарактерлики, янги иқтисодий сиёsat йилларида, тадбиркорликни фаоллаштириш учун, энг яхши муҳит яратилган, яъни майда корхоналарнинг таъсис фаолиятига қонуний руҳсат берилган.

Бинобарин, тадбиркорликдаги шундай ижобий натижаларга қарамасдан, НЭП давридан сўнг 30 йилларга келиб, мамлакат ҳаётида туб ўзгариш рўй берган. Аникроқ қилиб айтганда, мамлакат иқтисодиётини бошқаришнинг маъмурӣ бўйруқбозлик методига ўтилиши билан, синфий курашнинг натижаси социализм манфаатлариги мос ҳал бўлган. Шу сабабли, мамлакатимизда чет эл капитали иқтисодий жихатдан хар томонлама сиқувга олинган. Бу йўл билан, чет эл тадбиркорлари ўз фаолиятларини Совет Иттифоқи худудида тўхтатишга мажбур қилинган. Шу аснода концессиялар тутатилган. Бинобарин, 1920 йилларнинг охирларидан бошлаб, деярли 60 йил мобайнида, 1987 йилга қадар чет эл капиталини Совет Иттифоқи худудига киритилишига йўл қўйилмаган.

Шунингдек, 30-йилларга келиб, “мажбурий кооперация”нинг жорий қилиниши туфайли, мамлакатда аста секинлик билан эркин, тадбиркорлик ҳаракатларига бархам берилган. Бу мажбурий колҳозлаштириш фаолияти “ўтган асрнинг 90-йилларгача қадар давом этган бўлиб, бу давр тадбиркорликнинг социализм даврига тўғри келади.

Тўртинчи босқич – тадбиркорлик эволюциясида, социализм тузумининг ривожланиши ва деярли тутатилишигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бинобарин, бу босқич шуниси билан ҳарактерланадики, мамлакатнинг иқтисодий ҳаётидаги тадбиркорлик фаолиятининг бош ролини давлат ўз қўлига олган эди. Коллектив тадбиркорликнинг ролига етарли баҳо берилмаган ва ҳусусий тадбиркорлик эса, умуман таъқиқланиб, оқибатда у фақат “яширин иқтисодиёт” бағрида ўз ўрнини

топган. Ваҳоланки, мамлакатнинг ҳалқ хўжалигида мулкчиликнинг давлат формаси ҳукмронлик қилганилиги учун, тадбиркорлик билан давлатнинг ўзи, яъни давлат системаси шуғулланган.

Айтиб ўтганимиздек мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи, тадбиркорлик фаолиятини амал қилиши учун асосий белги эмас. Шундан келиб чиқиб, айтмоқчимизки тадбиркорлик мулк эгалигига боғлиқ бўлмаган вазиятда ҳам амал қиласди. Аммо ҳусусий тадбиркорлик ҳақида гап кетганда, шубҳасиз унинг негизини ҳусусий мулк ташкил этиши лозим. Шунингдек, ёлланма меҳнатнинг иштироки шартлидир.

Илмий адабиётларда, кўпчилик мутаҳасисларнинг таъкидлашига биноан, "Ижтимоий мулкнинг ҳусусияти кучига кўра, социалистик тадбиркор, капитализм даврига қараганда, тадбиркорликнинг вазифаларини бажаришига кенгроқ имкониятига эга"[15]. Бу нуқтаи назар, шунга асосланадики, капитализм шароитида бундай имконият капитални минимал миқдори ва акциялар пакетининг ўлчами билан чегараланган.

Шундай экан, бундан афсусланиш шундаки, социализм иқтисодий системаси омма - жамият аъзолари кутган натижани бермади. Бахтга қарши, тадбиркорлик фаолиятининг амал қилишига қонунан руҳсат бериш у ёқда турсин, балки унинг мавжуд имкониятларидан заррача бўлса ҳам, фойдаланишнинг ўзаги – муҳити йўқ қилинган. Қолаверса, социал-иқтисодий ҳаётда, "Тадбиркорлик фаолияти" атамаси умуман ишлатилмаган. Бунинг сабаби, социализм тизимишинг ўзида бўлмаган. Совет Иттифоқида иқтисодиётни бошқаришнинг ҳаддан ташқари марказлаштирилганлигига ёки давлатлаштиришнинг "соф табиати"да бўлган. Оқибатда, хўжалик юрутувчи "тадбиркор" кадрларга эҳтиёж бўлмаган ёки бошқача қилиб айтганда, уларнинг ижрочи бўлишигина бошқарув тизимиға етарли бўлган. Бинобарин, маъмурӣ буйруқбозлик қарор топган. Шунга қарамасдан, омма ичиди доимо янгиликка интилевчи, кўплаб – тадбиркорлик ҳиссига эга бўлган, уддабурон кишилар мавжуд бўлган.

Бу мулоҳазаларнинг барчаси, қўйидаги ҳулосани чиқаришга олиб келади. Умуман олганда, социалистик хўжалик юритиш мобайнида, Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётида тадбиркорлик қай кўринишда бўлмасин амал қиласди деб ҳисоблаймиз. Масалан, очиқ давлат тадбиркорлиги ёки ҳусусий тадбиркорликнинг "яширин иқтисодиёт" таркибида амал қилиши. Буларнинг далили бўлиб, социализм даврида эришилган ютуқлар ҳисобланади. Бинобарин, ўзига яраша фан-техника тараққиёти бўлиб, бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари яратилган, товарларни янги турлари, янги сотиш бозорлари вижудга келган. Совет Иттифоқи бўйлаб қаралганда, савдода фақат ички эҳтиёжни қондирибгина қолмай, балки ташки савдо ва бошқа иқтисодий алоқаларда давлатнинг тадбиркорлиги ҳалқаро миқёсда сезиларли даражада ривожланган. Бунинг далили сифатида қўйидагиларни эсга олиш лозим бўлади.

Айтиб ўтганимиздек, НЭПдан сўнг, 30 йиллардан 1987 йилгача чет эл капитали мамлакатга киритилмаган. Лекин, давлат чет элларда ўз тадбиркорлигини юритган. Бинобарин, иккинчи жаҳон урушидан сўнг собиқ Германиянинг активлари СССРга ўтиши муносабати билан Европанинг бир қатор мамлакатларида: Болгария, ГДР, Руминия, Венгрия, Финляндияда, бу давлатларнинг келишуви билан улар худудида Қўшма корхоналар ташкил этилган ва бу ташқи фаолият 1955 йилгача давом этган.

Булардан сўнг, 1960 йилдан Совет ташқи савдо ташкилоти, чет элда қўшма савдо корхоналарини ташкил этган. 1987 йилга келиб бундай қўшма корхоналар 99 тага етган.[13.276]. Бу қўшма корхоналар асосан Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган турли хил машина ва асбоб - ускуна, дастгоҳларни, саноат станокларини, автомобиллар, оптика ва ўлчов приборларини, соатлар, аниқ ва назорат апаратларини, радиоприёмниклар, нефть ва нефть маҳсулотлари, шунингдек харбий қурол-аслаха товарларини сотиш билан шуғулланган.

Шулар билан биргаликда, Совет Иттифоқининг кўплаб чет эл мамлакатларида юк кемаларининг эксплуатацияси бўйича “Транспорт - экспедиция қўшма корхоналари” фаолият кўрсатган. Масалан: Буюк Британияда “Черноморо-Балтийское страховое общество”, Австрияда совет –австрия “Гарант” қўшма корхонаси, совет ва чет эл мамлакатларининг транзит юкларини суғурта қилиш билан шуғулланган. Шунингдек, 1967 йили Финландияда “Саймаа лайнз” совет-финландия, 1971 йилда “Совиспан” Канар оролида қўшма корхонаси ташкил этилган. 1974-1976 йилларда “Франсов” совет-франция жамияти, “Совитпекса” совет-италия, “Марисско” совет-シンгапур, “Рафидейн фишериз компани” совет-ироқ, “Совам” совет-америка қўшма корхоналари ташкил этилган. 1976-1981 йилларда “Скарус АВ” совет-швед Акционерлик жамияти, “Флетчер-Соврыбфлот фишинг ЛТД” совет-янги зелландия жамияти, “Амалсов фиш ЛТД”(Амалсов), “Мавсов” совет-мавритания Акционерлик жамияти, “Совинка” совет-перу Акционерлик жамиятлари фаолият кўрсатган.

Шундай қилиб, айтиш жоизки, Совет Иттифоқи халқаро иқтисодий хамкорликда, қўшма корхоналар бағрида, ўзининг давлат тадбиркорлигини юритиб, фақат чет элда капитал экспорт қилувчиси сифатида майдонга чиқсан.

Шунингдек, бошқа манбаларда мамлакатимиз ҳаётида тадбиркорлик элементлари бўлганлиги ва бунинг далили бўлиб, 90 – йиллар бошларида Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг мустахкам нодавлат бозорини шаклланганлиги қайд этилган[7]. Бинобарин, бизнинг фикримизга кўра, бу жараёнга назарий жиҳатдан баҳо берадиган бўлсак, бу - тадбиркорликнинг комбинацияларидан бири бўлиб, мамлакатимизда хусусий секторни шаклланишига замин бўлган, хусусий секторда ишлаб чиқарилган, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ва истеъмол тоарларини сотиш канали бўлиб ҳизмат қилган. Бинобарин, маҳсулотларнинг катта қисми, Ўзбекистоннинг ва Россиянинг катта шахарларига етказиб берилган. Вахолангки, буларнинг замини: Ўша вақтлардаги коммуникацияларнинг арzonлиги ва республикалараро чегараларнинг йўқлиги бўлган.

Бу тавсифга кўра, Ўзбекистонда нодавлат қишлоқ ҳўжалиги бозорининг қарор топиши учта босқичдан иборатлиги кўрсатилган: - Биринчи босқич(70-80 йиллар) – совет экономикасининг иқтисодий жиҳатдан либераллашуви ва нодавлат секторини тўғридан-тўғри амалда сиқувга олишни тўхтатилиши; - иккинчи босқич(80-йилларнинг ўрталари) – давлат томонидан нодавлат товар ва хизматлар бозори (“мехнатсиз даромад”)ни бостирилиши; - учинчи босқич эса (80-йилларнинг иккинчи ярми – 90 йилларнинг бошлари), кооперативлар ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш сиёсати натижасида нодавлат бозорини қайта шаклланишидир. 80 – йилларда Ўзбекистоннинг хусусий секторида, жами халқ ҳўжалигида ишловчиларнинг 11 фоизи ишлаган, бу умумиттифоқ даражасидан деярли тўрт баробар кўп бўлган, давлат секторида эса, бу – 55 фоизни ташкил этган.

Совет Иттифоқининг тарқалиб кетишидан кейин, ҳусусий сектор Россия бозорини йўқотган. Оқибатда, миңтақаларнинг ягона молиявий инфраструктураси йўқ бўлиб, янги давлатлар ўртасида чегаралари пайдо бўлди. Шу аснода, миллий валюталар жорий этилиб, ҳамма республикаларда ўзларининг дастлабки турғун ҳолатдаги махаллий бозорларига эга бўлганлар.

Бинобарин, айтиб ўтиш лозимки, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг социал-иктисодий тараққиётимиз учун, зарурият эканлиги тўғрисидаги тасаввурлар, узоқ йиллик вақтлар давомида йиғилиб келган. Ишлаб чиқариш усулининг ўсиши ва бунга мувофиқ ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзгариб бориши билан, ўз навбатида тадбиркорлик фаолиятининг амал қилишига зарур бўлган иқтисодий муносабатлар ўзгариб борган. Бунда айниқса, мамлакат ахолисининг кенг истемол товарларига бўлган эҳтиёжи қондирилмай, сурункали дефицит хосил бўлган. Бу вазиятдаги ўзгаришлар тенденцияси – ўтган асрнинг 80-йилларидаги мамлакатимиз иқтисодиётида бир неча бор янги ҳўжалик юритиш формаларига ўтилиши ва уларнинг натижасида вижудга келган самарасиз уринишлар билан ифодаланади. Ҳақиқатда, ўша даврларда ҳукуматнинг танлаган йўлиниң ўзгариши таъсирида, иқтисодий ҳаёт “бошқарувчиларни” – аллақачон ривожланган мамлакатларда амал қилиб келаётган, бозор иқтисодиётига ўтилиши зарурлигини фахмлаб, тушуниб етишига олиб келган.

Бу вазиятда, 80-йиллари охирига келиб, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти қайтадан, расмий равишда тан олинган. Бинобарин, бунинг бошланишида, 1986-йил ноябрیدа “Индивидуал меҳнат фаолияти ҳақида” қабул қилинган қонун, дастлабки ҳусусий корхоналарнинг ишлаши қоидаларини аниқлаб берган. Лекин бу дастлабки қонун тадбиркорлик фаолиятининг манфаатларига ҳали тўлиқ мос булмаган. Бу қонунга кўра, фуқароларнинг ҳусусий фаолияти аниқланиб, ёлланма меҳнатни жалб қилиш мумкин бўлган. Шунингдек, бу янги фаолият, давлат секторига альтернатив ҳолда эмас, балки асосий фаолият деб қаралмаган. Бинобарин, бу фаолият учун, лицензия олиш шарт бўлган. Шунга ўҳшаш вазият, 1987-йилда қабул қилинган “Аҳолига майший ҳизмат кўрсатиш кооперативларини ташкил этиш ҳақида”ги ҳукумат фармойишида ҳам мұҳим тўсиқ бўлган. Бунга биноан, махаллий кооперативлар давлат ташкилотлари ва корхоналарнинг қатнашуви билан, махаллий ҳокимиётларнинг маҳсус комиссияси рухсатига биноан ташкил қилинган. 1988-йилги “Кооперативлар тўғриси”даги қонун, нодавлат тадбиркорлиги манфаатларига жавоб берган бўлиб, социалистик ва капиталистик тадбиркорлик фаолиятлар ўртасидаги аросат кўринишида бўлган. Бунга кўра, тадбиркорлик фолиятининг эркинлиги чегараланган. Бунинг носозлиги коперативларнинг ташкил этилишида маҳсус рухсат, талаб этилган, ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг максимал сотиш баҳолари белгилаб қўйилган ва маҳсус солиқ, бир қанча тўловлар белгиланган. Шунга қарамасдан, бу қонуннинг амал қилиши тадбиркорлик эволюциясида, кейинги даврлардаги яхшигина ташланган, дадил қадам бўлган.

1991 йил 4 апрелда “СССР фуқароларининг тадбиркорликка киришнинг умумий қоидалари тўғрисида”ги қарор қабул қилинган ва бу қонунга биноан юқоридаги қонунлар барҳам топган. Бу қонун айтарли даражада ишлаб улгурмади. Вахоланки, кўп ўтмай Совет Иттифоқининг тарқалиб кетиши сабабли, унинг барча республикалари, шунингдек Ўзбекистон мустақилликка эришиб, ўз йўлларини танладилар.

Кўриниб турибдики, XX асрнинг 80-йиллари охирига келиб, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти қайтадан, расмий равишда тан олинган, шу сабабли тадбиркорлик эволюциясининг энг янги босқичи бошланган.

Бу бешинчи босқич – Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида босиб ўтган социал - иқтисодий ривожланиши давридир.

Бу - Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақил йўлини танлаб, мана 30 йил мобайнида бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилган “Ўзбек модели”ни қураётган, тадбиркорлик фаолиятининг янгича, жаҳондаги илғор мамлакатлар андозасидан ўрнак олиб, (босиб ўтган босқичлардан устунлиги билан фарқланиб) айнан жўшқинлик жараёни билан ажralиб турувчи, цивилизациялашган босқичдир. Бошқача қилиб айтганда, бозор муносабатлари ва тадбиркорлик фаолиятларининг чуқур тарихий иқтисодий манбаларидан келиб чиқиб, мулкни давлат тасарруфидан чиқариб ва хусусийлаштириш асосида қайтадан шаклланган ва ривожланаётган босқични ифодалайди. Бинобарин, бу босқичдаги асосий тенденция – бозор иқтисодиётининг турли кўринишдаги мулкчиликга асосланган тадбиркорлик структуралари, жаҳондаги ривожлланган мамлакатлар даражаси томон бориши билан ифодаланади.

Бу жараёнда, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти, кўзланган иқтисодий тараққиётни таъминловчи етакчи кучга айланди. Шунингдек, Янги Ўзбекистонда тадбиркорлик мухитини яхшиланиб бориши, иқтисодий ислохотларнинг ўнбешта устивор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилиши бўнинг яқъол далилидир.

Айтиб ўтиш лозимки, бугунги кунга келиб мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини деярли ҳамма соҳалар бўйича, ҳар томонлама ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Булар, иқтисодий соҳада, сиёсий соҳада, ижтимоий соҳаларда ўз ифодасини топган. Бошқача қилиб айтганда, ватанимизда тинчлик, сиёсий барқарорлик хукм суриб, давлат томонидан тўғри ижтимоий, одилона фискал сиёсат олиб борилиши туфайли, бугунги кундаги мўтадил тадбиркорлик мухитини шаклланишига олиб келинди. Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама ривожланиб боришига кенг имкониятлар берилган. (Бу янги босқични ўрганишни кейинги илмий тадқиқотларимизда давом этдирамиз).

Хулоса ва таклифлар

1. Шундай қилиб, ҳулоса қиласиган бўлсак, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти ўзининг маҳсус эволюциясига эга ва ҳулоса қилиндики, тадбиркорлик мустақиллик йилларида мамлакатимизда қарор топди ва ҳозирги кунда жадал ривожланиб бомоқда. Босқичлар бўйича қисқача ҳулоса чиқадиган бўлсак, иккинчи босқични ўрганишдан равшанки, Ўрта Осиёning Россияга қўшилиши, бозор муносабатлари ва тадбиркорликни жадал суръатда ривожланишига туртки бўлган. Лекин бу фикрдан Ўрта Осиё минтақасида тадбиркорликни келиб чиқиши ва “тақдири” тўлиқ Россия капиталига боғлиқ бўлган деган умумий ҳулосани келтириб чиқариш мумкин эмас. Вахоланки, айтиб ўтганимиздек тадбиркорликнинг тарихий эволюцияси (хомила ёки куртак ҳолатда) ўзининг чуқур илдизига эга бўлиб, бу жараён “қўшилишгача” юз берган.

2. Шунинг учун ҳам, бизнинг илмий таҳлилларимизга кўра, ишонч билан айтамизки, Ўрта Осиёни Россияга қўшилиши, тадбиркорлик эволюция жараёнини тезлаштирган ҳолос ва айнан шундайдир. Бу “қўшилиш”нинг салбий оқибатлари билан

бирга ижобий-прогрессив томонлари ҳам бор. Бу борада иқтисодий адабиётларда учрайдиган кўпчилик фикрлардан бирини келтириш мақсадга мувофиқ бўларди. Ўз вақтида Вл.Лаврентьев айтганидек: Туркистонни босиб олиниши, ёш Россия капиталига – ҳусусан тўқимачилик саноатига, сотиш бозорларини кенгайтириш учун, чекланмаган миқдорда, имконият яратиб берган. Шунга биноан, Россия савдо капитали “Осиё ишлаб чиқариш үсули”нинг иқтисодий асосига туртки берибина қолмай, балки ўзи ҳам айнан шу асосга кўра ривожланиши мумкин бўлиб, тўлиқ ривожланиб қолган[17]. Ваҳоланки, бу “қўшилиш”нинг собиқ Туркистон иқтисодиётига таъсир кўрсатадиган салбий томони – унинг мустамлака ҳарактердалигидир.

Шу сабабли, илмий адабиётларда учрайдиган қуйидаги мухим ҳулосани тасдиқлаб, айтиш мумкинки: “Мустамлакачилик Россия тадбиркорлигини ривожлантиришда улкан кучайтирувчи(стимулятор) бўлиб ҳизмат қилган”[18].

3. Тадбиркорлик - мамлакатимиз тарихининг социализм хўжалигига киришда, “НЭП” даврида қайта шакилланиб, мамлакат иқтисодиётини тиклашда асосий социал - иқтисодий куч, таянч бўлган. Шу туфайли ёш Совет Иттифоқи давлатининг иқтисодиёти тикланиб, хокимият кўзлаган йўналишга тушиб олган. Бундаги яратилган мухитга кўра, тадбиркорлик турли шаклларда ва кўринишларда амал қилган.

4. Социализм даврида “тадбиркорлик” атамаси хуқуқий жихатдан ишлатилмаганлигига қарамай, тадбиркорлик мамлакат хўжалиги хаётида расмий ва норасмий кўринишларда амал қилган. Расмий кўринишда, ҳусусан давлат тадбиркорлиги кўринишида амал қилган. Норасмий кўринишда эса, турли майдада ишлаб чиқаришларда, ҳизмат соҳасида, савдо ва молия бозорларида имкон қадар ўрин топган.

Социализм давридаги “тадбиркорликнинг” диққатга сазоворлиги шундаки, бу Совет Иттифоқининг ташқи иқтисодий фаолияти бўлиб, бунда давлатнинг айни капитал чиқарувчи тадбиркор давлат сифатида, халқаро майдонга чиқсан ва сезиларли даражада фаолият кўрсатган. Бунда тадбиркорликнинг концессияга асосан қўшма корхоналар, акционерлик жамиятлар шакллари амал қилган. Фаолият турлари бўйича эса, ҳусусан ташқи савдо асосий ўринни эгаллаган ва суғурта тадбиркорлиги амал қилган.

Албатта, тадбиркорликнинг бу давридаги сабоқлари, Янги Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётини ривожлантириш учун ахамияти бор. Бинобарин, бозор иқтисодиётини ривожланишига бўлган тўсиқлар, эришилган тажрибалар ва бошқа таъсир қилган омилларни ўрганилиши, бугунги мамлакатимиздаги ислохотларни амалга оширишда, айниқса давлат тадбиркорлигининг чет элдаги фаолиятини кенгайтирилишида мухим ахамият касб этади деб хисоблаймиз.

5. Шундай қилиб ҳулоса қиласидиган бўлсак, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётидаги ҳозирги замон тадбиркорлик фаолияти, ўзининг узоқ даврлардан бўёнги ўзак-манбаларига эга. Бинобарин, Ўзбекистон халқи менталитетидаги ҳозирги үддабуронлик, тадбиркорлик ҳисси - кўриб ўтган эволюцион босқичлардаги бозор муносабатлари ва тадбиркорлик манбаларига кўра, авлоддан авлодга ўтиб йиғилиб келган. Бунга кўра, умумий ҳулоса қилиниб, тадбиркорликнинг тарихий тенденцияси аниқланди - Ўзбекистон ўзининг маҳсус тадбиркорлик эволюциясига эга ва ҳулоса қилиндики, тадбиркорлик мустақиллик йилларида қайтадан шакилланган ва мамлакатимизда қарор топиб, ҳозирги кунда жадал ривожланмоқда. Шубҳасиз, бу

менталитет мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг миллий “ўзбек модели”ни қуришда асосий роль ўйнамоқда.

6. Шу билан биргаликда, тадбиркорлик эволюциясининг ривожланиш босқичларини бир-бири билан таққослайдиган бўлсак, бу вазиятда, энг ҳарактерлиси дикқатни жалб қиласидиган ўзгариш шундаки, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг йўналишида бевосита предмети, обьекти бўлиб келган, пахтачиликни эслаш даркор. Агар Ўзбекистон иқтисодиёти мустақилликгача, ҳам капитализм, ҳам социализм даврларида асосий ҳом-ашё базаси бўлиб келган бўлса, **янги босқичда** вазият тубдан ўзгарди. Ўзбекистон иқтисодиёти аста - секинлик билан, ҳом-ашё базаси бўлишидан ҳолос бўлди. Бинобарин, ҳаммага маълумки, Ўзбекистоннинг мустақиллик даврида бу вазиятдан чиқиб кетиши осон кечмади. Вахоланки, кейинги вақтларда, ҳукуматимиз раҳбариятининг бош тадбиркорлиги туфайли, ривожланишининг “Ҳаракатлар стратегияси” қабул қилиниб, мамлакатимизда кластерлар тизими ташкил қилинди ва уларнинг комплекс фаолияти туфайли, қўшилган қиймат занжири механизми ташкилланди, провардида эса, бевосита тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтилди. Шу сабабли мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ошиб бормоқда.

7. Юқоридагиларга асосланиб умумий ҳулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти, Янги Ўзбекистоннинг кўзланган тараққиёт стратегиясини таъминловчи етакчи кучга айланди. Вахоланки, бунда тадбиркорлик мухитини яхшилашга қаратилган ислохотлар ҳамда рақобатни рағбатлантириш борасида тадбиркорлик эркинлигини янада ошириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун мавжуд тўсиқларни бартараф этиш зарурдир деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлини қатъиян давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.:”Ўзбекистон”,НМИУ,2017.-68 бет.
2. Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз мустақиллиги – биз учун куч-құдрат ва илхом манбай, тсраққиёт ва фаровонлик асоси. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишенланган тантанали маросимидағи нути//Халқ сўзи газетаси, 2021 йил 1 сентябрь.
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашр.- Т.: “Ozbekiston” нашиёти, 2022. – 147 бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525 “Мамлакатимизда бизнес мухитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори//”Халқ сўзи”, 2019 йил, 21 ноябрь.
5. Хаджимуратов А.А. Становление предпринимательства в Узбекистане. - Санкт-Петербург: Изд-во СПБУЭФ,1996.- 90 б.
6. Сайтбаев.Ш.Д. Предпринимательство в аграрной сфере производства.-СПб.: Изд-во СПБУЭФ, 1993. 24-26 бетлар.
7. Рахматов М.А. Государственное регулирование становления и функционирования предпринимательства. Автореферат дисс.на соис.уч.ст.д.э.н. – Санкт Петербург,1997.24-25 бет.

8. Бутенев.Заводское дело в Бухарии.// Горный журнал.-Кн.Х.-ч.IV.-СПб.,1842.-149 бет.
9. Аминов А. М. Экономическое развитие Средней Азии (колониальный период)-Т.: Госиздат. 1959.
10. Ибрагимов К.С.Так рождалось отрасль (из истории становления хлопкоочистительной промышленности Узбекистана) . –Т.: Меҳнат, 1989.- 5 бет.
11. Орлов П.А.Указатель фабрик и заводов окраин России: Царства. Полского, Кавказа, Сибири и Средно – Азиатских владений. – Материалы для фабрично – заводской статистики.- СПб.1895.120-131бетлар.
12. Заорская В.В., Александр К.А.“Промышленное заведение Туркестанского Края”Петроград,1915. Вып.1.176.
13. Вознесенская Н.Н. Иностранные инвестиции: Россия и мировой опыт(сравнительно-правовый комментарий). – М.: “Юрид.фирма “Контракт”, “ИНФРА:М”. 2001.- 25-27 бетлар.
14. Абдуллаева Т. Промышленность Узбекистана. Особенности развития в период НЕПа // Экономика и статистика, -1993. №2.-60,61 бетлар
15. Гафуров А. Аминов Б. Из истории биржевого предпринимательства в Туркестанском Край (в конце XIX – начало XXв.)//”Фарғона водийси янги тадқиқотларда” мавзусидаги III республика илмий анжуман материаллари. Фарғона ш.2014 йил, 30 май. 273-275 бетлар.
16. Бўтабоев М., Джураев Ж. Портрет предпринимателя//Экономика и статистика,1993.№1.86.
17. Лаврентьев Вл. Капитализм в Туркестане.-Л.1930.- 12 бет.
18. Черников Г.П. Предприниматель – кто он? Из опыта Российского и зарубежного предпринимательства – М.: Межд.отн., 1992. 80 б.